

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«Химояга рухсат этилсин»
Санъат факультети декани
_____ К.М.Гулямов
«_____» _____ 2014 йил

«5140900 – Касб таълими (5211200 – Амалий санъат)» таълим
йўналиши 4 курс AS 401 гуруҳ талабаси

Акромжонова Фотима Мухсин қизининг
*«Касб-хунар коллежларининг ёгоч ўймакорлиги
дарсларида ўқувчиларни бадий фаолиятини
ривожлантириши»*
мавзусида ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Талаба: _____ Акромжонова Ф.М.
Илмий раҳбар: _____ М.А.Расулов
«Амалий санъат ва уни ўқитиш методикаси»
кафедраси ўқитувчиси
Такризчи:
_____ П.П.Шобаратов
«Амалий санъат ва уни ўқитиш методикаси»
кафедраси доценти в.б.

«Химояга тавсия этилсин»
«Амалий санъат ва уни ўқитиш
методикаси» кафедраси мудири
_____ проф.С.С.Булатов
«_____» _____ 2014 йил

ТОШКЕНТ – 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

**I БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИК
САНЪАТИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ**.....

I.1. Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлик санъатининг тарихий ривожланиши.....

I.2. Ёғоч ўймакорлик санъати мактаблари ва уларнинг ўзаро фарқи.....

**II БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ
ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАДИИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**.....

II.1. Касб-хунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ташкил этиш.....

II.2. Касб-хунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш методикаси.....

**III БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ
ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАДИИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ**.....

III.1. Касб-хунар коллежлари ёғоч ўймакорлиги машғулотларини педагогик лойиҳалаш

III.2. Касб-хунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ўрни.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР.....

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Ўзбекистан Президенти Ислон Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида таъкидланганидек, жамият ҳаётидаги барча муаммолар маънавий жиҳатдан баркамол бўлган кишиларнинг фидокорона фаолияти асосида ҳал этилади. Ҳаёт сабоқлари шундан далолат берадики, халқи маънавий жиҳатдан қашшоқ бўлган мамлакат ҳеч қачон буюк давлат даражасига кўтарила олмайди. Жамият маънавий камолотини юксалтириш ҳозирги пайтдаги энг муҳим вазифа бўлиб қолгани ҳам шу билан изоҳланади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ И.А.Каримов етук маънавиятнинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ҳал қилувчи аҳамиятнинг кўрсатиб, шундай деган эди: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир... Бу ҳазина инсонга ҳаётда барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди»¹.

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. «Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият—маърифатли инсоннинг икки қанотидир»²,— деди И. А. Каримов.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузасида (1995 йил 23 февраль) маънавий етук, баркамол, соғлом авлодни тарбиялаш ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.

²Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз...

Маънавият ва маърифат жамиятимиз, халқимиз камолотининг бош омилларидан экан, биз бу соҳага давлат миқёсида ғамхўрлик қилишимиз, шароит туғдиришимиз шарт. Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим»³.

Инсонни-инсонлиги, биринчи навбатда унинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан руҳан покланиши, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини баққуват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, инсоннинг барча қарашларининг мезони ҳисобланади. Маънавий-ахлоқий инсон ота-онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, кўни-қўшнилари, маҳалла-қуйи, қишлоқдошлари ва бутун мамлакат халқи фаровонлиги ҳақида қайғуради.

Маънавий маърифий ишлар соҳасидаги вазифаларни ечишда таълим тизимидаги ислохотларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта ва ёш авлодга ўтади. Ёшлар, уларнинг иқтидори ва билим олишга чанқоқлигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади. Бундан яққол кўриниб турибдики, жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда бир-бири билан узвий боғланган таълим-тарбиянинг аҳамияти бениҳоят каттадир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда жамиятни тубдан янги асосга қуриш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш халқнинг дунёқараши, маънавияти билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда И.Каримов шундай ёзади:

³Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.

«Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;

- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

- ватанпарварлик.

Умуминсоний кадриятларга содиқлик, биринчидан адолат ва тенгликда кўзга ташланади. Инсон кадр-қимматини баҳолашда ана шу адолат ва тенгликка оилада, маҳаллада, истиқомат қилаётган жойида, жамоат орасида, ишхонада, таъминот жараёнида, савдо-сотик шохобчаларида, хуллас ҳар сонияда муҳтождир. Айниқса, раҳбар ходимларнинг меҳнаткашларга, маъмурий ва ҳуқуқий органларнинг одамларга бўлган муносабати ва қарашларида адолат ва тенглик янада равшан кўринади.

Маънавиятни кадрлаш, уни ҳимоя қилиш, авайлаб асраш истиқболли келажакка умид бағишлайди. Халқнинг юксак маънавиятини тарғиб этишда фан ва маданият, санъат ва адабиёт муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда олимлар, бадий сўз усталари ва санъаткорларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим, уларнинг ижодий равнақига ёрдамлашиш ва маблағни аямаслик маънавиятнинг бугуни ва келажакка ғамхўрликнинг ўзгинасидир.

Ватанимиз тарихига назар ташласак, ўзоқ ўтмишдан тортиб ҳозирги кунгача ўтган ҳақиқий Ўзбек халқининг мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганларини кўришимиз мумкин. Юқорида зикр қилинган барча фикр ва мулоҳазалардан шуларни хулоса қилишимиз мумкин-ки, маънавий-ахлоқий негизлар мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда асосий омиллардандир.

Мустақилликкача бўлган даврда ягона мафкура ҳукмронлиги остидаги педагогик тизим шароитида яшадик, фаолиятимизни собиқ марказдан юборилган тавсиялар асосида ташкил этдик. Натижада шахс

манфаатлари ва уларнинг маънавий эҳтиёжлари мактаб деворлари ортида қолди. Амалда мактаб битта йўналишга - коммунистик мафқурани мустақкамлашга хизмат қилди. Педагогик ижод, она тили ва Ватан тарихи, географияси, табиати, миллий урф-одатлари, анъаналар, маънавийят ва кадриятларни ўз ўқувчиларига ўргатишдан деярли маҳрум этилган ўқитувчи унга буюрилганларнигина ўргатувчига айланди. Таълим-тарбия ишларининг 70 йил давомида шаклланиб қолган ана шу иллатлардан халос қилиш таълимдаги ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил қилди.

Маълумки, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати онгли равишда амалга ошади. Ана шу онгли хатти-ҳаракатлар психолог олим П.Я.Гальперин ва унинг маслакдошлари фикрича қуйидаги уч асосий босқични ўзига қамраб олади: биринчи босқич, мўлжалга олиш деб номланиб, унда шахс ўз олдига қўйган мақсадини белгилаб олади, яъни бажарадиган ишларини режалаштиради, мақсадга эришиш омилларини моделлаштиради. Иккинчи асосий босқич, амалга ошириш босқичи бўлиб, бунда ўз имконияти, шарт-шароит, мавжуд бўлган кўплаб бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда хатти-ҳаракатлар амалга оширилиб, маълум натижага эришилади. Учинчи босқич, назорат қилиш ва ўзгартириш киритиш (такомиллаштириш) босқичи ҳисобланиб, унда кўзланган мақсад билан олинган натижа қиёсланади ва керакли хулоса чиқарилиб, зарур бўлса, режалаштириш ва амалга ошириш босқичларининг мазмуни, тузилмаси, шакли ва кечишига ўзгартиришлар киритилади⁴.

Кишилар (инсон) томонидан амалга ошириладиган барча жараёнлар каби таълим-тарбия иши ҳам ушбу юқоридаги қонуниятга тўлиқ бўйсунди. Демак, таълим-тарбия иши маълум меъёрлар доирасида амал қилади. Бу меъёрларсиз таълим-тарбия иши мазмун, шакл, замон, макон ҳамда натижалар нуқтаи назарида самарасиз бўлади. Аслини олганда, махсус таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишлар аниқ мақсадни кўзлаб режа асосида кечади.

⁴Содиқов К.С. Ўқитувчилар физиологияси ва гигиенаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992.

Маълумки, республикамізда касб-ҳунар таълими: элементар; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичларида амалга оширилади ва махсус белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими касб-ҳунар коллежларида амалга оширилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида «Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги ҳамда ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради» деб кўрсатилган.

Касбий тайёргарлик иқтисодиётнинг муайян соҳасида муваффақиятли касбий фаолият кўрсатишга имкон берадиган махсус билим, кўникма, малака ва меҳнат тажрибалари кабилар мажмуасидир.

Битирув малакавий ишининг мақсади қуйидаги ўқув тарбиявий масалаларни қўяди, яъни:

1. Ўқувчиларга ёғоч ўймакорлиги фанидан назарий ва амалий таълим бериш.
2. Ўқувчиларга ёғоч ўймакорлиги тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳақида маълумот бериш.
3. Касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларига ёғоч ўймакорлиги дарсларида ёғоч ўймакорлик санъати мактаблари ва уларнинг ўзаро фарқи ҳақида маълумот бериш.
4. Касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш.
5. Касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришга оид методик тавсиялар, педагогик лойиҳалар тақдим этиш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришнинг мазмунини ва моҳиятини аниқлаш.

- касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришнинг турли йўлларини назарий-методик жиҳатдан асослаш.

- касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятларини ёритиш.

Битирув малакавий ишининг объекти – касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш методикаси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети – касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш мазмуни ва самарали методлари.

Битирув малакавий ишининг фарази – касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш йўлларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ҳамда ўқувчиларда қуйидаги билим ва кўникмаларни шакллантирилса:

- ёғоч ўймакорлик санъати дарсларида ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш;

- касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ва амалий билимларини мукамаллаштириш;

- амалий санъат тур ва жанрларига бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотиш;

- бадиий ижодга йўллаш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларига методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш методларини

кўрсатиб беришдан иборат. Бўлажак амлий санъат ўқитувчиларини наққошлик санъати бўйича назарий ва амалий билимларини шакллантириш ҳамда ўз касбининг малакали мутахассиси бўлиб етишишларига эришиш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши мундарижа, кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми бет.

I БОБ.

МАМЛАКАТИМИЗ ХУДУДИДА ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИК САНЪАТИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ

I.1. Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлик санъатининг тарихий ривожланиши

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турларидан бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл камолот ва тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек халқ амалий безак санъати турларининг шох илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишини гувоҳи бўламиз.

Ўлкамиз заминидаги тарих қатламларини қазिशлар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериши усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёқ бошланган бўлиб, асрлар оша ҳозиргача узлуксиз давом этиб келмоқда.

Инсон онгли фаолиятининг ажралмас қисми бўлмиш бадиий тафаккур ва шунга мувофиқ бадиий-ижодий фаолият инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай фаолият натижасида келиб чиқадиган эстетик-бадиий идрок қобилияти кишиларда оламни, ундаги мавжудодлар, нарсалар ва воқеа-ҳодисаларни, атроф-муҳитдаги шакллар ва рангларни турфа шакл-шамоилда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади. Шакл ва рангларнинг реал ҳамда стиллаштирилган тасвирларини яратиш шу тариқа келиб чиқди ва у, ўз навбатида, одамларнинг кундалик турмушларидан ўрин ола бошлади. Натижада бадиий безакларнинг хилма-хил шакллари ва турлари пайдо бўлди.

Ўзбекистон ва умуман Ўрта Осиё халқларининг бизгача етиб келган санъат асарлари орасида нақшлар асосида яратилган бадиий асарлар алоҳида кўп сонни ташкил этади. Бошқа санъатларга нисбатан бундай нақшли

безаклар кўплигининг ва такомил тоганлигининг муайян тарихий сабаблари бор. Маълумки, Ислом мамлакатларида мавжудодлар тасвирини ишлаш кенг одат тусига кирмаган, зеро, мавжудодни ярата олиш фақатгина қодир Тангрига хосдир, инсонлар эса бундай ишни бажаришга ожиздирлар, инчунин, бордию бирор ишни юқори такомил даражасида ижро этиш имкони йўқлиги аввалдан маълум экан, бундай ишга киришмоқликнинг ўзи ақлдан эмасдур.

Ўрта Осиёда, шу жумладан мамлакатимиз ҳудудида IX-XI асрларга келиб маданият яна ўса бошлади. IX асрда Самарқанднинг ўзи мустақил давлат бўлиб қолиши маданият ва санъат ривожига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бу эса халқ маданиятида янги бурилиш ясашга олиб келди. Шу даврга келиб Абу Али ибн Сино, Рудакий, Фирдавсий, Абу Райхон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий каби буюк олимлар, файласуфлар, ёзувчилар, адабиёт ва маданият арбоблари етишиб чиқди. Бу каби алломаларнинг ўткир зеҳни Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси, Нарпай тумани Тим қишлоғидаги Араб ота мақбараси, Термиздаги Қирққиз саройи, Навоий туманидаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Навоий шаҳри яқинидаги Султон Саодат ансамбли ва Работи Малик карвонсаройи сингари жаҳонга машҳур меъморчилик ёдгорликларини қурилишига олиб келди. Шулар ва шу каби асори-атиқалар ўша даврларда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилганлигини, улар бадий хунармандлар томонидан жозибадор қилиб безатилганлигини кўрсатади. Илк ўрта асрларда саройлар шаҳар қалъасидан ташқарида қурилган бўлса, X асрларга келиб шаҳар таркибида қурила бошланди. Бухорода қалъа олдида, Урганчда шаҳарнинг бош майдонида, Самарқандда эса Шаҳристонда шундай саройлар бунёд этилган. Сарой меъморчилигида эса ёғоч конструктураларидан кенг фойдаланилди⁵.

Шоҳи-Зинда ансамбли Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган қабристондаги мақбаралардан ҳамда масжид, минора ва мадрасадан иборат. Шоҳи-Зинда – Тирик шоҳ маъносини англатиб, мазкур ансамбль халқ

⁵Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. –Т.: Мехнат, 1991.

Амир Темур ўзи қурдирган иморатларни ўзгача бир меҳр, ўзгача бир иштиёқ билан қурдирганки, буни Самарқанд ва Қашқадарё воҳасининг биридан ажратиб турувчи Туркистон тоғ тизмаларида бунёд этилган Оксарой меъморилик ёдгорлиги мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу обида 20 йил давомида қурилган бўлиб, кўкка виқор билан қад ростлаб турибди. Оксарой иккита йирик равоқдан иборат ва равоқлар 38 метрдан сўнг кубба шаклида бирлаштирилган. Ҳар икки аркнинг оралиғи 22,5 метрни ташкил этади.

XVI-XVII асрларга келиб меъмориликда иншоотларнинг кўринишлари янада такомиллашди, монументал биноларнинг тарҳи, кифасига ўзгартиришлар киритилди. Хунармандларнинг артеллари вужудга келди. Шу даврларда бунёд этилган Мир Араб мадрасаси, Чашмаи Аюб, Хўжа Зайниддин масжид–хонақоси, Чорбақр минораси, Шердор мадрасаси, Гавкушон минораси, Бухоро ва Тошкентда бунёд этилган Кўкалдош мадрасаларида ўша давр ёғоч ўймакорлигининг ажойиб намуналари ўз аксини топган.

XVIII-XIX асрларда монументал биноларнинг, айниқса ички қисмини кошин, тош, ганч, ёғоч ўймакорлиги билан безаш давом этди. Шу даврларда Қўқонда Мадрасаи Мир номи билан халқ орасида машҳур Норбўтабий мадрасаси XVIII асрнинг охирида бунёд этилди.

XVIII-XX асрларда яна бир қатор асори-атиқалар қад ростлади. Наманганда Хўжамнинг қабри, Бухорода Болоҳовуз масжиди, Хивада Оллоқулихон карвонсаройи ва тими, Тошҳовли, Нуриллабой саройи, Пахлавон Маҳмуд мақбараси, Бухоро яқинида Ситораи Моҳи Ҳоса саройи бунёд этилди. Сарой қурилишларида халқ меъморилиги композиция усулларида фойдаланилди. Бунда ички ҳовли, ҳовуз, кўп устунли айвон ва синчли иморатлардан ташкил топди.

XX аср бошларига келиб Қўқонда яна бир мажмуа қад ростлади. Бу Халифа Тилло мажмуаси бўлиб, у икки ҳовли, ҳовузли боғ, масжид ва Халифа Тилло даҳмаси жойлашган қабристондан иборат. Улар ўртасида

чегара сифатида икки қатор устунли шийпон жойлашган. Халифа Тилло даҳмаси атрофи равоқли тўсинлар билан беркитилган.

Амалий безак санъатнинг бир қатор турларида маҳаллий услублар шаклланди. Наққошликда, ганч ва ёғоч ўймакорлигида ислимий нақши ривож топди. Ёғоч ўймакорлигида ўймаларни бажаришнинг янгидан-янги услублари билан устунлар, эшиклар, равоқлар ва бошқалар жозибадор қилиб безатилган. Асримизнинг бошларига келиб Хивадаги кўхна Арк, Тошховли, Нуриллабой, Бухорадаги Минораи Калон, Исмоил Самоний мақбараси, Самарқанддаги Шердор, Тиллақори мадрасалари таъмирланади, Улуғбек мадрасасининг қулай бошлаган минораси қайта тикланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик ва халқ амалий безак санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодларимиз яратган баркамол, такрорланмас ва тарихан бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимизнинг ва шу билан жаҳон жамиятимизнинг дурдоналаридан бўлган бадиий ва маданий меросни ташкил этади.

Халқ амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ амалий санъати кишиларни бадиий, ахлоқий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёқарашларини шакллантиришда ҳамда маданий даражасини юксалтиришда энг зарур манбалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, мавжуд барча санъат турлари ўз ўқувчисига, тингловчисига ёки томошабинга ўтказадиган бадиий, ҳиссий, руҳий таъсири орқали билим беради ва тарбиялайди. Шу ўринда халқ амалий безак санъати турларининг фазилатлари жуда ҳам ўзига хос бўлиб, уларни бошқа ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Яъни, бундай санъат асарлари айни чоқда ҳам бадиий, ҳам амалий вазифаларни бажара олиши уларнинг халқ орасида кенг тарқалишига сабаб бўлган.

1.2. Ёғоч ўймакорлик санъати мактаблари ва уларнинг ўзаро фарқи

Ватанимиз Мустақилликка эришгандан сўнг ҳар жабҳада ижобий ўзгаришлар, юксалишлар сари бораётганимиз қувонарли ҳолдир. Миллий кадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ота-боболаримиз қолидирган бой меросни қадрига етиш ва улардан ўз ҳаётимизда, фаолиятимизда унумли фойдаланиш, уларнинг руҳи ҳар доим бизга мададкор эканлигини дилдан ҳис қилиб туриш бугунги биз эришган ва эришаётган ютуқларимизнинг гарови эканлигини қайд этиб ўтишимиз жоиз бўлмаса керак. Чунки, бугунги кунга келиб ҳукуратимиз томонидан амалга оширилаётган бир қатор хайрли ишларни таъкидлаб ўтиш киши руҳиятида фахрланиш туйғусини уйғотади.

1997 йил 29 август куни Олий Мажлиснинг навбатдан ташъари IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури», шунингдек, «Халқ бадий хунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги каби Фармонлари ёшларни миллий ифтихор, миллий ғурур туйғулари билан тарбиялашга қаратилган десак муболаға бўлмайди. Мустақилликка эришганимиздан кейинги йилларда нафақат таълим, савдо-сотиқ, фан ва техника балки миллий хунармандчилигимизда ҳам салмоқли ютуқларга эришмоқдамиз. Миллий хунармандчилигимиз хаттоки давлат сиёсати даражасигача кўтарилиб, унга алоҳида эътибор билан ёндашилаётгани бугунги кунда сир эмас.

Асримизга қадар санъат асарлари турли қирғинбаротлар туфайли вайроналар остида қолган бўлса, асримизда «қизил кўланка» остида қолди. Халқимизнинг ўқимишли, билимдон, зиёли фарзандларини турли сабабларни рўқач қилиб қатағон қилишди. Хунарманд усталарни эса шахсий бойлик орттиришида айблаб фаолиятлари тўхтатиб қўйилди. Бироқ халқимизнинг фидойи фарзанларидан ижодкор усталар уста Ширин Муродов, Мирхамид Юнусов, Шамсиддин Ғофуров, Юнус Али Мусаев, Усмон Икромов, Қули

Жалилов, Сулаймон Хўжаев, Ҳайдар Нажмиддинов, Тошпўлат Арслонкулов, Мақсуд Қосимов, Маҳмуд Усмонов, Олимжон Қосимжонов, Ёқубжон Рауфов, Маҳмуд Облақулов, Абдулла Болтаев, Қодиржон Ҳайдаров, Ота Полвонов, Абдураззоқ Абдурахмонов ва бошқа бир қатор хунарманд усталар ўзларининг хунар сирларини мактабда ва мактабдан ташқари муассасаларда ёшларга ўргатишни йўлга қўйдилар. Кейинчалик эса ўз услуби, йўналишига эга бўлган Хива, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Қўқон каби йирик ёғоч ўймакорлик мактаблари ривож топди. Масалан, Хива ёғоч ўймакорлиги ўймасининг монументаллиги, ёғочнинг табиий рангини сақлаб қолиниши билан бошқалардан фарқланади.

Бухоро ёғоч ўймакорлиги эса ўйма нақшнинг жозибадорлиги, жимжима нақшларни олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Марғилон ёғоч ўймакорлиги чуқур заминли ясси ўймани қўллаб келганлар.

Қўқон ўймакорлиги эса калта бўртмали, ясси ўйма ишлатганлар. Тошкентда эса нақш билан қопланган ясси бўртмали, заминсиз чизма ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган. Ёғоч ўймакорлиги мактаблари тахминан XX асрнинг 40—50 йилларидан кейин пайдо бўлган. Жумхуриятимизда Қўқон, Хива, Самарқанд, Тошкент мактаблари мавжуд.

Хива ёғоч ўймакорлигининг ривожига Ота Полвонов ва Сапо Боқбековларнинг ижодий фаолияти алоҳида ўрин тутади. Бу мактаб ўймакорлиги бошқа мактабларга қараганда ўйма нақшларининг майдалиги, заминининг камлиги, новдаларининг зичлиги, бадий тузилиши жиҳатидан ўйноқлиги, яъни новдаларнинг спиралсимонлиги алоҳида аҳамият касб этади. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби ҳаракатчанлиги, динамикавийлиги, яъни новдаларни спиралсимон ишланиб ажойиб шакллар ҳосил қилиши билан фарқ қилади. Хива ўймакорлиги усталари кўпинча қайрағоч, терак ва чинор ёғочларини кўпроқ ишлатадилар. Улар ёғоч рангининг табиийлигини сақлаган ҳолда унинг юзасига ва заминига пахта, зиғир (Хоразмча — оқ ёғ)

ёғи берилади. Хива ёғоч ўймакорлиги мактаби ўзининг монументаллиги билан машҳурдир. Хива нақшининг гўзаллиги, нақшларни турли чуқурликда ўйилиши орқали катта аниқликка ва уйғунликка эришишдадир. Усталар ёғочнинг табиий кўринишини сақлашга ҳаракат қилиб янги ўйма юзасини силлиқлаш, бўёқ суртиш ишларини қўлламаганлар. Ота Полвонов, Сапо Боқбеков, Ҳайитмат Боғбеков ва бошқалар Хива мактаби усталаридандир.

Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактабида эса ўймаларнинг майдалиги, нақш намунасининг мураккаблиги, ўсимликсимон гириҳ ва гулли гириҳ нақшларининг кўп ишлатилиши ҳамда ўйма юзасининг рангланиши билан ажралиб туради. Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби ўймаларининг жуда майда ўйилиши, композициясининг мураккаблиги, яъни геометрик, ўсимликсимон ва гулли гириҳ композициялари ҳамма замин ва рельефларни локлашдан бошланади. Асосан чинор, дуб, бук ва терак ёғочлари ишлатилади. Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби намояндаларидан Абдуҳофиз Жалилов, Шариф Саидов, Уста Насрулла ва Нурали Назруллаев ва бошқалардир⁷.

Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг йирик намоёндалари Сулаймон Хўжаев, Мақсул Қосимов ва Ортиқ Файзуллаевлардир. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг бошқа мактаблардан фарқи шундаки, ўймасининг кўп қаватлилиги, ўртача чуқурликда ўйилиб, ислимий, геометрик, рамзий нақшлар кўпроқ ишлатилишидадир. Бу мактабга мансуб усталар ўйма нақшларни 1—2 қават қилиб ўядилар, кейинги вақтларда эса 3 қаватли ўймалар бажаришга ўтмоқдалар.

Композиция жиҳатидан ўртача чуқурликда ўйиб, ўсимликсимон, геометрик, гулли гириҳ, ҳаттоки рамзий нақшлар бажарадилар. Пардознинг ҳамма турларини қўллайдилар. Улар кўпинча ёнғоқ, чинор, бук ёғочларини ишлатадилар. Тошкент усталари рельеф юзасига озгина ранг бериб, рельефни ўзи локланади. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби намояндаларидан бири Сулаймон Хўжаев, у фақат паргори нақшни ишлаган. Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби намояндаларидан Сулаймон Хўжаев, Тошпўлат

⁷Аҳмедов М.Б. Ёғоч ўймакорлиги. –Т.: Иқтисод–Молия, 2007.

Аюбхўжаев, Мақсуд Қосимов, Неъмат Иброҳимов, ва бошқалар фақат паргори нақшни ишлаган. Сулаймон Хўжаевнинг шогирди Мақсуд Қосимов биринчи бўлиб паргорий нақшни текис юзасига ислимий нақш ўймага киритган. Кейинчалик Мақсуд Қосимов ва унинг шогирдларидан Ортик Файзуллаев, Акмал Азларов, Сирожиддин Раҳматиллаев, Эргаш Алиевлар мактабнинг ривожига Зиннат Олимбоев, Анваржон Азларов, Ҳасан Одилов, Йўлдошбек Азларов, Ҳикматилла Жўрабоев ва шу каби кўплаб шогирдларни етиштириб катта ҳисса қўшиб келмоқдалар⁸.

Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби ҳам ўзига хослиги билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Йирик усталаридан Ҳайдар Нажмиддинов ва Қодиржон Ҳайдаровлардир. Бу мактаб ўймакорлигининг маҳобатлилиги, йириклиги, ўймаларининг чуқурлиги ва кўп қаватлилиги билан фарқланиб туради. Қўқон усталари кутича, курси, ром ва бошқаларда калта бўртмали ясси ўймани, яъни паргори услубда ишлатиб келиб, архитектурада эшик, устунларга йирик чуқур нақшлар ўйиб ўзгача мактаб яратдилар. Бу мактаблар ўймаларининг монументаллиги, йириклиги, чуқурлиги, кўпқаватлилиги билан фарқ қилади.

Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактабини ривожлантиришда Ҳайдар Нажмиддинов, Қодиржон Ҳайдаров, Абдураззоқ Абдурахмонов, Умрзоқ Аҳмедов, Юсуфжон Маъруфжонов, Абдуғани Абдуллаев, Баҳриддин Аҳмедов ва уларнинг шогирдлари катта ҳисса қўшдилар. Улар терак, ёнғоқ ва бук ёғоч материалларидан кўпинча фойдаланадилар. Усталар ҳйилган рельефнинг фақат юзига тўқроқ ранг бериб кейин локлайдилар. Марғилон ёғоч ўймакорлик мактаби ўзига хос миллий кўринишга эга бўлиб, ўймани чуқур заминли ясси қўллайдилар. Кейинги вақтда марғилонлик усталар биноларни ёғоч ўймакорлиги билан безашда катта ишлар қилдилар.

Ёғоч ўймакорлигида ота-боболаримиз қадимдан ҳар хил ёғочлардан турли мақсадда фойдаланиб келганлар. Усталар ёғочни ўйишдан олдин унинг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб ўрганганлар. Кейингина ёғочга ўйиб

⁸Аҳмедов М.Б. Ёғоч ўймакорлиги. –Т.: Иқтисод–Молия, 2007.

нақш ишланган. Ҳамма ёғочлар улар олинадиган дарахт турига қараб икки группага: баргли ва нина барглиларга бўлинади.

Нина баргли дарахтлардан олинган ёғочлар қурилишда, дурадгорликда ва ёғоч ўймакорлигида асосий материал ҳисобланади, чунки унинг ўзига хос афзалликлари бор. Чунончи, таркибида смолали моддалари бўлганлиги учун у тез чириб кетмайди, баргли дарахтларга қараганда кўплиги ва енгиллиги, унга ишлов бериш осонлиги, танаси тўғри, силлик бўлгани учун ундан силлик хода тайёрлаш мумкин. Лекин ўймакорликда шумтол, эман, арғувон, терак, чинор, зирк ва бошқа дарахт ёғочлари ҳам ишлатилади. Ёғоч материаллари табиий гулига, рангига, товланишига, ҳидига қараб аниқланади. Ўзбекистондаги ёғоч ўймакор усталар ўз ишлари учун энг яхши ёнғоқ, қайрағоч, чинор, тут, арча, терак, ўрик каби маҳаллий дарахтларнинг энг аъло навларини ишлатадилар. Ҳозирги усталар эса бошқа жойлардан келтирилган шамшод, эман, қарағай дарахтлари ёғочларини ишлатадилар.

II БОБ.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАДИИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

II.1. Касб-хунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ташкил этиш

Педагог шахсининг тузилмасида касбий фазилатлар муҳим аҳамиятга эга. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: мақсадга интилувчанлик, шахсий фаоллик, ўз- ўзини бошқара олиш, ўқувчилар билан ишлаш хоҳишининг мавжудлиги, экстремал вазиятларда ўзини йўқотмаслик, тўғрисиўзлик, ҳақгўйлик, замонавийлик, инсонпарварлик, билимдонлик, педагогик такт соҳиби эканлик, интизомлилик, педагогик ишончлилик.

Ўқитувчининг муҳим касбий педагогик фазилатларидан бири мантиқий фикрлаш ҳисобланади. Бундай хислат тушунчаларни таҳлил этиш, синтезлаш, турлаш, мантиқий алоқаларини ўрнатиш, операцияларини бажаришга йўналтирилган мантиқий фикрлаш усулларини яхлит шаклланганлиги кабиларда намоён бўлади. Шунингдек, педагог профиограммасига артистик қобилияти ҳам киради. Бу қобилият образга кириб фикр ва ечимлар топишни қамраб олади⁹.

Шахсининг муҳим касбий фазилатлари унинг ақлий, эмоционал, иродавий тавсифи сифатида касбий педагогик фаолият натижаларига таъсир кўрсатади, педагогнинг индивидуал иш услубини белгилайди.

Ўқув материалининг жойлашиши ва бу материални ўзлаштириш усулларини танлашдаги узвийлик қуйидаги икки омилни ҳисобга олиш билан амалга оширилади: Ушбу ўқув предмети тегишли фан мазмуни ва мантиқи ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятларини, фаннинг

⁹Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. –Т.: Маънавият, 1999.

мазмунни ва мантиғи ўқув предметининг узвийлигини таъмин этишда муҳим аҳамият касб этади: тушунча, қонунлар ва далиллар, ўқув предмети мазмунининг ўзаги ҳисобланиб, кетма-кет жойлашади ва ўрганилаётган соҳага оид билимларнинг кенгайиб боришини таъминлайди, олдинчилари кейинчилари билан узвий боғлиқ бўлади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари омили илмий билимларни тўғридан-тўғри ўқув предмети мазмуни сифатида талқин этилишига йўл қўймайди, унга дидактик ишлов беришни талаб этади. Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материални концентрик жойлашувида ҳам амалга оширилади.

Тушунчаларни кенг ва чуқур алоқадорлигини ўрганиш мазмунини бойитишга уни ўзлаштириш шакллариининг узвийлигини таъмин этади.

Узвийлик алоҳида ўқув предметларинигина эмас, балки турли ўқув предметларининг ўзаро муносабатларини ҳам қамраб олиши зарур. Бунинг учун турли ўқув предметларини ўрганишда объектларнинг турли жиҳатларини объектив алоқадорлиги асос ҳисобланади.

Таълим мазмуни таълим жараёнининг асосий элементи (ташқил этувчи компоненти) ни ўзлаштириш натижасида ижтимоий мақсадларга эришилади. Ўзлаштирилиши зарур бўлган ижтимоий маданий тажрибанинг тавсифи ва ҳажми аниқ шарт-шароит, макон, замон, шунингдек таълим муассасасининг тури ва даражасига боғлиқ бўлади.

Таълим мазмунини ташқил этувчи таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) самарали амалий фаолият тажрибаси, яъни меҳнат, иқтисодиёт, сиёсат ижтимоий ва бошқа соҳалардаги вазифаларни муваффақиятли бажариш;

б) билиш тажрибаси атроф олам ривожланиши қонуниятларини англаш методлари ва натижалари;

в) умумий мақсадларга эришиш жараёнидаги ижтимоий ўзаро таъсирлар тажрибаси;

г) ахлоқий этик тажриба;

д) маънавий-маданий тажриба ва шу кабилар.

Ўқитиш мазмуни муайян таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Ўқитиш мазмунининг тузилмаси, яъни турли элементларнинг ўзаро муносабатлари, кетма-кетлиги, давомийлигини ўқув режаси аниқлаб беради. Шу пайтгача ўқитиш мазмунини шакллантиришга ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Амалда ўқитиш мазмуни бажариладиган вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва мазмунига биноан аниқланади.

Масалан, умумий таълимнинг асосий вазифаси инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаёт ва меҳнат, касб танлашга ва келгусида касб-хунар сир-синоатларини ўрганишга тайёрлашдан иборат.

Демак, касб-хунар таълими мазмунини танлаб олишда дастлабки асос касб-хунар тури ҳисобланади. Ажратиб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга томон таҳлил этилади. Юқориги қатлам соҳага ва алоҳида ишлаб чиқариш ёки фаолият кўринишларига мос бўлади. Ўрта қатлам туташ касбларга тўғри келади; пастки қатлам эса алоҳида касблар, ихтисосликларга тўғри келади. Таҳлил боришида энг аввал умумий таълим мазмуни, кейин хусусий мазмун, яъни касб-хунарнинг ўзига тегишли мазмуни танлаб олинади. Бундай дедуктив таҳлил мазмуннинг унификациялашган қисмларини ажратиб олиб, касбий таълим мазмунини илмий асосда маълум тизим ёки тузилмага келтириш имконини беради. Бу ёндашув ўқув дастурини ишлаб чиқиш (тузиш) имконини беради.

Инсон кучи-қудрати меҳнат фаолияти, онг, ахлоқийлик ижтимоий муносабатларнинг яхлит тизими билан белгиланади, жамиятнинг биринчи таҳлилий кесимига мувофиқ, бир томондан, ижтимоий турмуш, базис билан ва иккинчи томондан ижтимоий онг ва устқурма билан белгиланар экан, - анъанавий равишда жамиятнинг моддий ва маънавий тайёргарлиги илгари

сурилади. Ишлаб чиқариш жараёнига мослашув ўз навбатида сифат жиҳатлари фаолият билан боғлиқдир¹⁰.

Фаолият умуман олганда – бу жонли тизимларнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлиги асосидаги адаптив йўналтирилган фаоллигидир. Инсон фаолиятига келганда эса, уни одамларнинг ижтимоий йўналтирилган фаолияти сифатида белгилаш мумкин. Мослашув эса - мана шу фаолият усулининг ўзгинасидир. Ҳақиқатдан ҳам исталган ишлаб чиқаришга мослашув у ижтимоий фаолият бўладими, индивидуал фаолият бўладими, қандай бўлмасин фаолиятни тақозо этади, бироқ ҳар қандай фаолиятни эмас, балки жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, техникавий соҳаларидаги ижобий ўзгартиришларни назарда тутувчи «фаолият усули»нигина ишлаб чиқаришга мослашув сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришга мослашувни ривожлантириш усули сифатидаги фаолият энг аввало маънавий, касбий-ижодий фаолиятни ўз ичига олади. Мана шу фаолият давомида маданий қадриятлар яратилади. Айнан ишлаб чиқариш жараёнига мослашув инсоннинг фаол фаолияти шаклида ижтимоий ривожланиш ва инсон шахси шаклланишининг омилига айланади. Чунки шахс фақат маънавий фаолият жараёнида шаклланади.

Шахснинг чинакам ишлаб чиқаришга мослашуви тўғрисида кўплаб таълимий сифатлар, шу жумладан қадриятлар биргаликда, жамулжам намоён бўлган тақдирдагина сўз юритиш мумкин. Ўзлигини англаш фаолияти шахснинг юксак фаоллиги кўрсаткичларидан бири эканлигини кўшимча қилмоқчимиз. Бусиз шахснинг мустаҳкам кадр-қимматли йўналишларини ва янгича тафаккурни тарбиялаш мумкин эмас. Ўзлигини англаш фаолиятнинг умумий даражаси, қадриятларни тушунишдаги муайян бирлик кишиларнинг ўзаро бир-бирларини тушунишлари учун ҳам шарт-шароит яратади, мезонларнинг умумийлигини белгилаб беради. Ана шу мезонлар ёрдамида шахс ўзини, ўз фазилатлари ва нуқсонларини баҳолайди, тегишлича

¹⁰Ҳасан Солий. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1993.

жамиятдаги муносабатлар шаклланади, ўзаро ишонч ва ижодий фаолият учун кулай муҳит яратилади. Шундай қилиб, ўзини англаш фаолияти – бу инсон томонидан ўз турмуш тарзини, аниқ ҳаётий вазиятлардаги ҳатти-харакатларини эркин танлашининг, у ёки бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш чоғида ўз нуқтаи назарини аниқлашнинг маънавий шарт-шароитидир.

Шахс фаолияти маънавий ишлаб чиқариш соҳаси билан белгиланган ҳолда ҳам онгнинг, ҳам ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва намоён бўлишини, шунингдек тафаккур фаолиятини қамраб олади.

Касбий фаолият меъёрлари дунёқараш билан боғлиқ кўрсатмаларнинг махсус узатувчиси бўлиши мумкин. Касб-кор фаолияти ва унга мослашув меъёрлари касб-ҳунар фаолияти ва муомала жараёнида дунёқараш тусини касб этиб, одатий фаолият меъёрлари ва касб-кор тафаккури меъёрларининг ўзаро муносабати муаммолари орқали шаклланади¹¹.

Ўқитувчининг маънавий бойлиги, унинг ахлоқий софлиги инсонпарварликнинг гарови бўлиб хизмат қилади. Чунки ўқитувчининг зиёлилиги – бу энг аввало унинг касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашувга бўлган муносабатидир. У биринчи навбатда таълим даражаси, иш тури, касб-ҳунар тайёргарлиги билан эмас, балки шахснинг нечоғли қадриятларга йўналганлиги билан белгиланади.

Касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашувини шакллантиришнинг асосий шarti, бизнинг фикримизча, унда касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашувга бўлган эҳтиёжни шакллантиришгина эмас, балки унинг ўз «мендан» иборат касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашувини идрок этишга тайёрлиги ҳам ҳисобланади.

Немис педагоглари касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашувни илмий-ижодий фаолият сифатида белгилайди. Илмий-ижодкорлик муаммони мустақил ҳал этиш малака ва кўникмаларини ривожлантиради, илмий меҳнат учун зарур бўлган шахс сифатларини ривожлантиради, ўқувчиларда ижтимоий ҳаётга тайёргарликни ривожлантиради.

¹¹Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.

Ўқувчи ижодиёти муаммоларини тадқиқ этувчи Драгер касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашувнинг қуйидаги принципларини кўрсатади:

- ижодий тафаккур ва ҳаракат бирлиги;
- ижодий фаолиятда индивидуаллик ва ижтимоийликнинг бирлиги;
- онглилик ва интеллектуаллик бирлиги.

Ижодий фикрлаш муаммони кўра билишдан, вазифа билан уни ҳал этишнинг мавжуд бўлмаган йўли ўртасидаги, тан олинган ижтимоий ёки индивидуал зарурият билан уни амалга оширишнинг мавжуд бўлмаган имкониятлари ўртасидаги зиддиятни англашдан бошланади.

Хулоса қилиб айтганда, касбий-ишлаб чиқариш фаолиятга мослашув ҳақида юқорида келтирилган аниқлашларни таҳлил қилиш унинг ижтимоий томонларининг асосий белгиларини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

II.2. Касб-хунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш методикаси

Умуман педагогик, шу жумладан касб-хунар таълими жараёнининг қонуниятлари таълим-тарбия ва ўқувчи шахсини ривожлантириш жараёнида объектив равишда мавжуд алоқадорлик ва ўзаро муносабатларда ўз ифодасини топади. Рус педагог олими Л.Д.Столяренко ва унинг маслақдошлари томонидан қуйидаги таълим қонуниятлари эътироф этилган бўлиб, улар бевосита касб-хунар таълимига ҳам тегишлидир:

а) касб-хунар таълими жараёнининг тизим шаклида яхлит ва узвий алоқадор ҳамда маълум ўзаро муносабатда бўлган компонентлардан иборат эканлиги;

б) таълимнинг таркибий қисмлари: мақсади, мазмуни, методлари, восита ва натижаларининг ижтимоий тузумга боғлиқлиги, яъни: ижтимоий муносабатлар, жамиятнинг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжи ва талаблари, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш технологиялари, маданият кабиларни педагогик жараённинг барча ташкил этувчи компонентларини шакллантиришга таъсири;

в) таълимнинг тарбиявий ва ривожлантирувчи тавсифга эга эканлиги;

г) таълим натижаларининг ўқувчиларнинг онгли, фаол ўқув-билиш фаолиятларига боғлиқлиги;

д) касбий тайёргарлик жараёнида педагогик ва ишлаб чиқариш қонуниятларининг ҳисобга олиниши, уларнинг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги;

е) касбий тайёргарлик жараёнининг ўзаро боғлиқ назарий ва амалий таълим интеграциясидан иборатлиги;

ё) касбий тайёргарлик жараёнида ўқувчиларнинг яккама-якка (индивидуал) ва жамоавий фаолиятларининг ташкил этилиши кабилар¹².

¹²Зуннунов А., Хайруллаев М. ва б. Педагогика тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.

Узлуксиз таълим, шу жумладан касб-ҳунар таълими куйидаги педагогик қонуниятларга асосланади:

- касбий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи (муҳандис-педагог, устоз-мураббий) ва ўқувчилар ҳамда ўрганилаётган объектларнинг ўзаро таъсири;

- касбий таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг онглилиги, мустақиллиги ва фаоллиги;

- касбий таълим-тарбия жараёнида унинг иштирокчилари (ўқитувчи ва ўқувчилари) мақсадларининг бир-бирига муштараклиги;

- касбий таълим-тарбия иши натижаларининг ўқувчилар, фаол ўқувбилиш фаолиятига боғлиқлиги;

- касбий таълим-тарбия, яъни педагогик жараённи ташкил этувчи мақсад, мазмун, метод, восита, шакл, натижа ва иштирокчилар орасида ўзаро боғлиқлик ҳамда муносабатларнинг мавжудлиги;

- касбий таълим мақсади, унинг мазмуни ва методлари, метод ва мазмуни мақсадга эришилганлик даражасини белгилаши;

- касбий таълим мазмуни (ўқув материали)нинг вақт, ўқувчилар ёши, тайёргарлик даражаси ва бошқа индивидуал хусусиятларига мос ҳолда ташкил этилганда мақбул ўзлаштирилиши;

- касбий (кўникма ва малакалар) нинг асоси ҳисобланган билимлар моҳиятини англаган ҳолда иш-ҳаракат операцияларини такрор бажариш орқали шаклланиши;

- ўқув материални пухта ўзлаштирилиши аввал ўзлаштирганларига таянганлиги ва мунтазам равишда такрорланганлигига боғлиқлиги;

- ўқув материалининг мақсадга мувофиқ ҳолда шакллантирилганлиги ва ўқувчиларга етказилиши;

- ўзлаштириш сифат ва даражасининг ўқувчилар имкониятлари, қизиқиши, идроки, тафаккури, қобилияти, ўқитувчи томонидан унинг аҳамиятли жиҳатларини ёритилиши кабиларга боғлиқлиги;

- ўзлаштириш мароми ва пухталигини ўқитувчи томонидан ўқув материални аниқ, лўнда ҳамда қизиқарли етказилишига боғлиқлиги;

- ўқувчининг ақлий ривожланганлиги, ўзлаштирган билим, ҳаётий тажрибаларига тўғри пропорционал боғлиқлиги;

- касб–ҳунар таълимининг муваффақияти, тезлиги ва натижаларининг ўқувчилар индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги.

- ўқувчиларда мустақил ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг улар олдига муҳим аҳамиятга эга ҳаётий долзарб муаммолар ечимини топиш вазифасининг қўйилганлигига боғлиқлиги кабилар.

Касб-ҳунар таълими дидактикасининг асосий масалаларидан бири – таълим принципларидир. Биз ўз ишимизда таълим қоидалари, тамойиллари ва принципларини синоним сифатида эътироф этиб, халқаро кўламда принцип деб юритганлиги боис ушбу иборадан фойдаланамиз. Таълим принциплари – бу педагогик жараён иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларини белгиловчи асосий қоидалар тизимидир. Бу қоидалар тизимини билмаслик ёки уларга асосланишда нўноқликка йўл қўйиш бутун яхлит касбий таълим-тарбия ишига тўсқинлик қилади¹³.

Таълим принциплари тизимини биринчи бўлиб Я.А.Коменский илмий асосда ишлаб чиқди. У бу принципларни ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди.

Педагогик жараён амал қилиши зарур бўлган қоидалар, яъни принципларнинг моҳиятини билиш ушбу жараён ҳақида аниқ билимга эга бўлиш имконини беради. Шу боис, биз қуйида уларнинг баъзи бирлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. Педагогик жараённинг тизимлилик (яхлитлик, бир бутунлик) принципи – таълим-тарбия ва шахс ривожланиши (камолоти)нинг уйғунлиги, муайян тизимга эга эканлигини англатади.

¹³Зуннунов А., Хайруллаев М. ва б. Педагогика тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.

2. Асосланганлик принципи – туркум ўқув предметларини ўрганиш объекти (предмет, ходиса, жараён, ҳатто тирик мавжудот сифатида инсон)нинг моҳияти, муҳим хусусиятлари, алоқалари, объектив олам билан муайян муносабатларини ўзида ифодалайди. У ҳар бир ўқув предметини тегишли фан асослари сифатида талқин этиб, ўзи учун «ядро» ва «ўзак» ҳисобланган маълумотларга эга бўлади ушбу маълумотларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиши, унинг аниқ соҳа бўйича билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларга эга бўлишида таянч бўлиб хизмат қилади. Ўқув материалига бундай ёндашув ахборотларнинг шиддатли оқими шароитида педагогик жараёни мақбуллаштириш, жадаллаштириш асосий ўқув материални мукамал ўзлаштиришга имкон беради

3. Инсонпарварлаштириш принципи – педагогик амалиётда инсонийлаштириш билан биргаликда қўлланилади. Бу ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан юнонча «humanus» инсонийлик ва «humanitas» инсоният сўзидан олиниб, бир ўзакка эга бўлсада, уларнинг бошқа-бошқа маънолар англатиши олимлар томонидан эътироф этилган.

Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметлари мазмунига инсон омили, унинг кадр қиммати, шани, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлаш ғояларини сингдириш зарурлигини назарда тутлади.

Инсонийлаштириш принципи – объектив оламдаги барча неъматлар, шарт-шароит инсон камолоти, кишилиқ жамияти фаровонлиги, тинчлиги учун хизмат қилиши (қилиши шарт) ҳақидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоя, ҳозирги замон ва истиқбол талаблари педагогик жараёнга яқка ҳокимлик (авторитар) таризда ёндошмай, уни иштирокчиларининг ҳамкорлиги асосида ташкил этиб амалга ошириш зарурлигини асослайди.

4. Узлуксизлик принципи – фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларини амалиётга кенг кўламда қўллаш ҳозирги замон ва истиқболда мустақил равишда ижодий фаолият кўрсатиш учун шахсга унинг бутун умри учун етарли бўлган билим ва шахсий фазилатларни белгиланган

вақт давомида бериш мумкин бўлмай, балки у бутун ҳаёти давомида такомиллаштирилиб боришини назарда тутди. Мазкур принцип ўқитувчидан таълим-тарбия ишида ўқувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш учун керакли шарт- шароит яратишни талаб қилади.

5. Назариянинг амалиёт (ҳаёт) билан боғлиқлик принципи – ўқувчилар ўзлаштирган билимлари уларнинг бевосита ҳаёт фаолиятида қўлланган ёки дастуруламал бўлиб хизмат қилгандагина аҳамиятли эканлигига ишора қилади. Амалиётда қўлланмаган билимлар асоссиз бўлиб, қисқа вақт давомида унутилади. Бунда билим, кўникма ва малакалар маълум тартибда шакллантирилиб, амалга қўллаши кўзда тутилади.

6. Таълимнинг илмийлик принципи – бизни қуршаб турган оламни билиш жараёни мураккаб ва зиддиятли. Илмий билиш ҳодисадан моҳиятга, нарсанинг ташқи таъсиридан унинг ички тузилишини тасвирлашга ўтишдан иборатдир. Агар ўқув материали ўқувчини қонунлар, тушунчалар, формулалар ва теоремалар олами билан таништиради, бундай билимлар илмий билимлар деб аталади. Улар ақлий ривожланиш учун етакчи аҳамиятга эгадир. Фақат ана шундай билимларгина ўқув предметининг илмий моҳиятини англаб етишга, келгусида эса фан асосларини чуқурроқ эгаллаб, меҳнатда фаол иштирок этишга, сабаб-оқибат муносабатларини узвий боғлиқ англанишига имкон беради.

7. Тушунарлилик принципи – билимларни ўзлаштиришнинг осонлиги, малака ва кўникмаларнинг ҳосил қилиниши уларнинг ўқувчиларнинг ривожланиш даражаси, шахсий тажрибаси билан алоқасини кўрсатади. Агар бундай алоқаларни аниқлаб бўлмаса, билимлар тушунарли деб ҳисобланмайди.

Оламда барча нарсалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, барча нарсалар ҳодисалар ўртасида алоқа мавжуд. Шунинг учун барча илмлар, барча ўқув предметлари ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Ўқувчи ўзлаштирадиган билимлар инсоният тажрибасининг бир заррачаси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам янги билимларни мавжуд билимлар билан ҳамиша боғлаш мумкин.

8. Таълимнинг кўргазмалилик принципи – кишилиқ жамияти ривожланишининг илк босқичларида ўқитиш болаларнинг катта авлодга тақлид қилишлари, катта ёшдаги киши бажарган амалий хатти-ҳаракатларни қайтариш ҳисобига олиб борилади. Ўқитишнинг бу содда шакли ўзининг ишонарли ва самарали бўлганлиги туфайли ҳозирги кунгача сақланиб қолди. XVII асрда Я.А.Коменский кўргазмалилик тамойилини ҳар қандай тарздаги ўқитишнинг муваффақиятли бўлиши негизи сифатида таърифлади. И.Г.Песталоцци бу тамойилни ўқитишнинг асосий воситасига айлантирди. Бу принципга амал қилинганда эшитиш органлари билан бир қаторда кўриш органлари жалб этилади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган маъқул» деган мақол ўринли қўлланилади. Кўргазмалилик зарур бўлган жойда меъёрида ишлатилса самара беради, меъёр бузилса эса ўқувчиларнинг фикри асосий материалдан йироқлашади. Уларнинг тафаккур доираси тораяди, аксинча кўргазмалилик керакли жойда ўринли қўлланилса ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар ўқувчилар хотирасида узок вақт давомида сақланади¹⁴.

¹⁴Зуннунов А., Хайруллаев М. ва б. Педагогика тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.

III БОБ.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИНИНГ ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БАДИИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

III.1. Касб-хунар коллежлари ёғоч ўймакорлиги машғулотларини педагогик лойиҳалаш

Ўқитувчилик касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалдир. Ҳар бир ўқитувчининг муҳим ҳаётий ўрни ўз ишининг устаси бўлишдир.

Ўқитувчи маҳорати унинг фаолиятида кўринади. Ўқитувчи аввало педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яхши эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари, унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга молик бўлади.

Маҳорат – бу алоҳида қудрат. Юқори ва кичик даражада Уста бўлиши мумкин эмас. Маҳоратга эришиш ҳам, эришмаслик ҳам мумкин. Ҳақиқий уста меҳнат фаолияти чоғидагина гўзалдир.

Педагогик маҳоратга етишиш ўқитувчининг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади.

Педагогик маҳорат юксак даражадаги педагогик фаолиятнинг тараққий этишини, педагогик техникани эгаллашни, шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

«Педагогик маҳорат» бир категория сифатида ўзининг илмий асосларига эга. 1987-1997 йиллардаги илмий ёндашувлар бу фавқулодда ҳодисага нисбатан қуйидагича хулоса қилишга имкон берди:

Педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин кўриниши сифатида тушунилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуқтаи назардан кишининг индивидуаллигини характерлайди. Турли тадқиқотчилар

ишларида айти бир ҳодисани тавсифлаш учун турлича тушунчалардан фойдаланиш бошқача маъно ва мазмун томонларига эга.

Турли муаллиф асарларида педагогик маҳоратнинг ягона, тан олинган таърифнинг йўқлиги уни тадқиқотнинг жонли жараёни деб хулоса чиқаришга асос бўлади. Тушунчалар, фикрларнинг турли-туманлиги бу ҳодисанинг мураккаблиги ва кўп қирралигидан далолат беради. Барча таърифларда урғу шахсга берилади ва шу тариқа педагогик маҳоратнинг социал моҳиятини акс эттиради.

Маҳорат талабалар томонидан уларнинг социал етукликка эришиш даражасига қараб босқичма-босқич эгалланади. Социал етуклик компонентлари педагогик маҳорат компоненти билан қуйидаги нисбатда бўлади.

Бўлғуси педагогнинг социал етуклик компонентларига ушбулар киради:

- *социал ўз-ўзини белгилаш* - ўзининг педагогик қобилиятлари ва эътиқодини намоён қилиш;
- *социал фаоллик* – одамлар билан ишлай олиш ва бошқаларни тарбиялаш тажрибасини такомиллаштириш;
- *социал масъулият* - ўқитувчининг билимдонлигига айланадиган билимлар.

Педагогик маҳорат асосларига: касбий педагогик билимлар, инсонпарварликка йўналганлик, педагогик техника, касбий педагогик фаолиятни амалга ошириш тажрибаси, педагог шахси тааллуқлидир.

Маҳоратнинг шаклланиш босқичларига: репродуктивлик (бошланғич), ижодийлик, ижодий-новаторлик киради¹⁵.

Педагогик маҳорат даражалари ўқитувчи иш даражасининг давоми ҳисобланади:

- *репродуктив (ўта паст)*;

¹⁵Мирсагатова Н. Талаба-ёшларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни. –Т.: ТДПУ, 2011.

- *мослашувчан (паст);*
- *локал (чегараланган)- моделлаштириш (ўртача қониқарли).*

Бу даража талабалар билан бўладиган ўқув-тарбия ишларининг айрим йўналишларида юқори сифати билан характерланади:

- *изчил моделлаштириш (юқори).* Бу босқичда, педагог фаолиятининг барча турларида юқори сифатга эришилади;

- *изчил моделлаштириш (олий).* Бунда, фаолиятнинг барча турларида ижодий муносабат намоён бўлади, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш йўллари изланади. Педагогик маҳорат компонентлари касбий фаолиятга касбий вазифаларини бажариш учун зарур бўлган малака нуқтаи назардаги қарашларни акс эттиради.

Тадқиқотчилар малака деганда хатти-ҳаракатлар тизимини уни амалга ошириш мақсади ва шарт-шароити билан мувофиқ равишда самарали бажариш имкониятини тушунадилар.

Педагогик маҳорат компонентларини ҳосил қиладиган қуйидаги малака гуруҳлари фарқланади:

- *лойиҳалаш;*
- *конструкциялаш;*
- *ташкilotчилик;*
- *мулоқот;*
- *билиш ва рефлексивлик.*

Кейинги йилларда педагогик маҳорат категориясига нисбатан янгича қарашлар пайдо бўлди. Педагогик маҳоратнинг анъанавий изоҳларидан бир қадар чекиниш ҳам юз берди.

Педагог тадқиқотчилар педагогик маҳоратни кишининг алоҳида ҳолати – яъни унинг касбий машғулоти кенг маънода кишилар билан ишлашнинг ўзига хос соҳаси бўлган педагогика ҳисобланади, деб тавсифлайди.

Педагогик маҳоратнинг асоси **педагогик билимдонлик**дир.

Педагогик билимдонлик деганда конкрет тарихий даврда қабул қилинган меъёрлар (нормалар), стандартлар ва талабларга мувофиқ педагогик вазифани бажаришга қобиллик ва тайёрлик билан белгиланадиган интеграл касбий-шахсий тавсифнома тушунилади.

Педагогик билимдонлик педагогик соҳада маҳорат билан ишлаётган кишининг таълим ва тарбия ишида инсоният тўплаган барча тажрибалардан рационал фойдаланиш қобилиятини кўзда тутар экан, демак, у етарли даражада педагогик фаолият ва муносабатларнинг мақсадга мувофиқ усуллари ва шакллари эгаллаши лозим бўлади.

Касбий-педагогик билимдонликнинг бош кўрсаткичи бу инсонга, шахсга йўналганликдир.

Касбий-педагогик билимдонлик педагогик воқеликни изчил идрок эта билиш ва унда изчил ҳаракат қила олиш малакасини қамраб олади. Бу хислат педагогик жараён мантиғининг яхлитлигича ва бутун тузилмаси билан биргаликда кўра олиш, педагогик тизимнинг ривожланиш қонуниятлари ва йўналишларини тушуниш имкониятини таъминлайди, мақсадга мувофиқ фаолиятни конструкциялашни осонлаштиради.

Ҳозирги таълим шароитида касбий-педагогик билимдонлик яна уч компонент билан тўлдирилади:

- *билимдонлик, умуман, ўз фаолиятини жаҳон педагогик маданияти даражасида ишлаб чиқилган тажрибалар асосида ташиқил этиши қобилияти, унга ва ватанимиздаги педагогикага интеграциялаша олиши;*
- *ўз сафдоши тажрибаси ва инновацион тажрибалар билан ўзаро самарали муносабат ўрнатилиши қобилияти;*
- *ўз тажрибаларини умумлаштирилиши ва бошқаларга бера олиши малакасида намоён бўлади.*

Педагогнинг касбий билимдонлиги креативлик билан характерланади.

Креативлик – бу касбий ҳаёт усули, кўп қиррали таълим жараёни ва тизимининг мақсадлари, мазмуни, технологиялари сатҳида янги педагогик

воқеликни яратиш истаги ва малакаси дир. Креативлик ўқитувчига инновацион ўзгаришлар оқимига мослашиб олишига ёрдам беради. Ҳар қандай даражадаги касбий билимдон педагогик рефлексияга қодир дир.

Рефлексия – фикрлашнинг махсус усули бўлиб, педагогик воқеликка, тарихий-педагогик тажрибага, муайян касбий мавқенинг ташувчиси бўлган ўз шахсиятига қайта назар ташлаш дир.

Юқоридаги касбий-педагогик билимдонликни ташкил этувчи барча компонентлар мураккаб тузилмани ҳосил қилиб, мутахассиснинг «идеал модели»ни шакллантира боради ва пировард натижада зич бирлашиб кетади ҳамда ўқитувчи шахси фаолияти тавсифини белгилайди.

Билимдонлик фақат фаолият жараёнида ва фақат конкрет касб доирасида намоён бўлади ва баҳоланади. Педагогик муҳитда ўқитувчи фаолиятини баҳолашда, одатда, «**педагогик маданият**» термини қўлланади¹⁶.

Маданият фаолият жараёни ва натижаси ўлароқ субъектнинг дунё объектларини ўзлаштира боришдаги барча хатти-ҳаракатларини қамраб олувчи социал ҳодисани билдиради. Маданият инсон яратган, шунингдек, қандай восита ва метод билан яратган барча ҳодисаларни ўзида бирлаштиради.

Педагогик маданиятда, умуман маданиятда бўлганидек, предмет-ҳосила ва техник-технологик жиҳатлар мавжуд. Педагогик маданият бир қатор тизим ҳосил қилувчи унсурларга эга. Уларга қуйидагилар киради:

Педагогик лойиҳалаш маданияти, у объектив имкониятлар билан талаб ва истакларни ўзаро нисбатлаган ҳолда мақсадни тўғри танлай олиш, вазифаларни белгилаб олиш, уларнинг ечилиш босқичларини режалаштириш, зарур қуролларни танлаб олиш малакаси дир. Лойиҳалаш маданиятини намоёниш қилиш бу ижодга, яъни фавқулодда янгини яратиш, ўрнатилган меъёрлар ва намуналар чегарасидан чиқиб кета олиш қобилияти ҳам дир.

¹⁶Педагогика (Мунавваров А.К. таҳрири остида). –Т.: Ўқитувчи, 1995.

Билимлилик маданияти, у педагогик билимларнинг турли-туманлиги ва педагог томонидан бу билимларни эгаллашни билдиради.

Дунёқараш маданияти, унинг даражасини аксарият ҳолларда педагог ва ўқитувчининг ўзаро муносабатлари жараёни ва натижалари белгилайди.

Турли намунадаги дунёқарашнинг мавжудлиги, хусусан, стихияли, мунтазам, илмий ва мистик, иррационал, оптимистик ва пессимистик, догматик ва танқидий, диний, атеистик, рационал ва педагогик фаолият субъектининг ҳам бир неча намунаси борлигини тақозо қилади.

Дунёқараш маданияти фан, фалсафа, дин каби маънавий маданият унсурлари билан танишиш чоғида шаклланади.

Конструктивлик компоненти илмий-тадқиқот, ўқув-тарбия ишларида лойиҳалаш ёки ўз конструкциялаш малакаларида кўринади.

Лойиҳалаш малакаси – бу илмий изланишни ёки ўқув-тарбия жараёнини моделлаштиришнинг интеллектуал малакаларидир.

Ш.2. Касб-хунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ўрни

Ҳозирги кунда Республикамизда таълим – тарбияни жаҳон стандартлари даражасида бўлиши алоҳида аҳамият касб этади.

«Халқ бадиий хунарамандчилик ва амалий санъатининг янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб – қувватлаш чора – тадбирлар тўғрисида» ги Президентимизнинг фармони, «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганидан кейин, ўрта махсус, касб – хунар таълимини ислоҳ қилиш долзарб масала бўлиб қолди.

«Таълим – тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони бир неча муҳим, долзарб масалаларни ўз ичига олади. Хусусан:

– таълим – тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаби даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо қилиш, келажак учун баркамол авлод ва салоҳиятли авлодни тарбиялаш;

– узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун давлат стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга тадбиқ этиш;

– узлуксиз таълим тизимининг миллий моделини амалга ошириш¹⁷.

Шунинг учун ҳам бу соҳада янги ўқув режалар, дастурлар ва ўқув қўлланмалар яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Замонавий компьютер технологиясидан фойдаланиб, содда ислимий, ҳандасий нақш композицияларини тузиш ва уларни ранглаш усуллари ҳақида ҳам сўз борган. Шунингдек, нақш композицияларини компьютер график дастури орқали қандай яшаш босқичлари кўрсатиб берилган.

¹⁷Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997.

Педагогика олийгоҳларининг вазифаси талабаларни педагог касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг ўқитувчи, турли билимларни ўргатувчи ва моҳир тарбиячи бўлганлиги учунгина эмас, балки унинг ўзи танлаган касб – ҳунар йўналишидаги барча мутахассисликлар бўйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори бўлган фундаментал фанларни ҳамда ўқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт. Шу билан бирга ҳақиқий муаллим тўлиқ даражадаги билимга, хоҳиш ва иродага ҳамда тарбияга эга бўлган талабаларни ажойиб санаъаткор каби ўзига эргаштира олиши зарур. Бундай касбий педагогик хусусиятга эга бўлган муаллим ўзига қуйидаги мажбуриятларни олиши керак.

Биринчидан, бўлажак ўқитувчи, тарбиячи бўлажак педагогик фаолияти учун ўзининг имкониятларини баҳолаш, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиш, касбий педагогик тайёргарлик даврида қандай касбий зарурий сифатларни шакллантириш кераклигини ва қандайлигини мустақил педагогик жараёнда шакллантирини керак.

Иккинчидан, бўлажак педагог интеллектуал фаолиятини умумий томонлари: тафаккур, хотира кабиларни қабул қила олиши, кўз олдида келтириши, эътиборини ҳулқ – атвори, маданияти ва шу жумладан, педагогик билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши шарт.

Учинчидан, педагог учун мажбурий дастлабки шарт – шароит мувофаққиятли фаолият асоси бўлган ўқувчини ўзини тенгқури деб қараши ва унинг ҳулқ – атвори ўзаро алоқасидаги қонун – қоидаларни билиш керак. Педагог, ўқувчи ва тарбияланувчини, унинг барча хусусиятларидан қатъий назар унинг ички дунёсини билиши ва қабул қилиши шарт.

Тўртинчидан, педагог нафақат талабалар ўқиш фаолиятининг ташкилотчиси ва ўқиш жараёнининг ташкил этувчилаарининг ўзаро алоқасини илҳомлантирувчи бўлиб хизмат қилиш билан бирга маълум маънода билим, тарбия бериш ва демак, умумий мақсадларга эришишда уларнинг тенгдоши сифатида қатнашиши зарур. Бу эса талабалар олдида

доимо ўзларининг ташкилотчилик, коммуникатив хусусиятларини педагог – психологик билимларни ўзлаштириш жараёнида ривожлантириб боришларини ва улардан педагогик амалиётларда самарали фойдаланишга интилишларини юзага келтиради.

Республикадаги барча ихтисосликлар учун бакалавр ва педагог магистрларни тайёрлаш жараёни амалга оширилмоқда, бу йўналишларда тайёрланаётган педагог бакалаврлар асосан академик лицейлар ва касб – ҳунар коллежлари учун мўлжалланган. Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади¹⁸.

¹⁸Қодиров Б.Ғ. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. –Т.: Меҳнат, 2001.

"ФСМУ" МЕТОДИ

Ушбу методталабаларни ўз фикрини асослашга шу билан бирга берган фикрини бошқаларга ўтказиш, мавзу юзасидан очик баҳс-мунозарага киришишга, эгаллаган билимларини таҳлил этишга ва текширишга ҳамда ўқувчиларда баҳслашув маданиятини ривожлантиришга қаратилган.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Ўқитувчи ҳар бир ўқувчига ФСМУ (Ф-фикр, С-сабаб, М-мисол, У-умумлаштириш) технологиясининг тўрт босқичи ёзилган қоғоз варақларни тарқатади ва уларни якка тартибда тўлдиришларини таклиф қилади. Қоғоз варақлари қуйидагича кўринишда бўлади:

МАВЗУ:

Ф – Фикрингизни баён этинг

С – Фикрингизни исботловчи бирон бир сабаб кўрсатинг

М – мисол келтиринг

У – Фикрингизни умумлаштиринг

- Ўқитувчи мавзудан келиб чиқиббаҳс мавзусини танлаб олади;
 - Якка тартибдаги ишлар ниҳоясига етгач, ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлиниб оладилар. Уларга ҳуруҳларда ишлашга мўлжалланган А-3 форматига ФСМУ методи босқичлари ёзилган тарқатма материаллар берилади;
 - Ҳар бир кичик гуруҳ ўзларини фикрларига таяниб гуруҳ билан келишиб муаммо юзасидан далилларни ёзиб чиқади;
 - Кичик гуруҳларда ёзилган далиллар жамоа ўртасида ҳимоя қилинади;
- Ўқитувчи танланган муаммога якуний ҳулосаларни бериб машғулоти якунлайди.

МАВЗУ: Паргори нақш композицияси тузиш.

Ф – Ҳа, албатта, паргори — паргор (циркуль) ёрдамида чизиб ўйилган нақш бўлиб, анъанавий ёғоч ўймакорлик тури.

С – Чунки, паргори нақши бошқа нақшлардан ўзига хослиги билан тубдан фарқ қилади. Ундаги нақш элементлари, тузилиши, ўйилиши ва пардозланиши алоҳида аҳамиятга эга. Паргори нақши асосан уй-рўзгор буюмларини бадиий жиҳатдан гўзал ва жозибадор қилиб безашда қўлланилган.

М – Бунга мисол қилиб, шуни келтиришимиз мумкинки, паргор форс-тожикча сўздан олинган бўлиб, паргор, яъни циркуль деган маънони англатади. Паргори нақшлари эса циркуль ёрдамида чизиладиган нақш ҳисобланади. Паргори нақш композициялари ҳам ўзининг тузилиш мазмуни ёки энг характерли томонлари билан боғланган ҳолда номланади.

У – Юқоридаги мисолларга таянган ҳолда айтишимиз мумкинки, Паргори мураккаб ўймакорлик техникаси бўлиб, чуқур билимдонлик ҳамда маҳорат талаб қилади. Паргори қуйидагича бажарилади. Ёнғоқ, чинор, қайрағоч, тол ёғочларига паргори нақшларини ўйиш учун яхши материал ҳисобланади. Тайёрланган ёғоч юзасига қоғоз клейланиб унга раппорти айлана, тўртбурчак, учбурчак, кўпбурчак ва ҳоказолардан иборат нақш композициялари паргор ва чизғич ёрдамида чизилади, кейин эса асбоблар ёрдамида ўйилади. Ўйманинг чуқурлиги 1 —1,5 мм гача бўлади. Нақш ўйишда 30—35 тача ҳар хил ўювчи асбоблар ишлатилади. Нақш замини ўйиб бўлингандан сўнг гурзи билан чакичлаб чиқилади. Ўйма тугаллангандан сўнг, устига ёпиштирилган қоғоз олиб ташланади.

Ушбу педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига ҳар бир ўқитувчи ўқитилаётган фаннинг моҳиятидан, таълим-тарбия жараёнининг мақсадидан, ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ва мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ушбу педагогик технологияни тўлалигича ёки элементларидан фойдаланиб тадбиқ этишлари мумкин.

"ПЕДАГОГИДА" тренинги

Машғулоти ўтказиш тартиби. Ўқувчилар 4 ёки 5 та столга 4 ёки 5 нафардан бўлиб жойлашиб оладилар. Ўқитувчи тренинг вазифаси билан ўқувчиларни таништиради ва уларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тарқатма материалларни тарқатади. Тарқатма материалларга қуйидаги мавзулар ёзилиши мумкин:

- Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда миллий анъаналардан фойдаланиш;
- Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда нақш ва унинг турларидан фойдаланиш;
- Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда халқ усталари ижодидан фойдаланиш;
- Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш;
- Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.

Ўқитувчи таклиф этилган мавзулардан бирини ўқувчилар хоҳишларига биноан танлаб олади ва улардан мавзу юзасидан бир-бирлари билан фикрлашиб мавзуга оид бўлган ижобий ва салбий жиҳатларни таҳлил этадилар ва тарқатмаларда ифодалядилар. Масалан:

ПЕДАГОГИАДА

Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда миллий анъаналардан фойдаланиш

Ижобий томони

Касб-хунар коллежлари таълим жараёнида миллий анъаналардан фойдаланишга оид замонавий қарашлар дейилганда, аждодлар томонидан қолдирилган маънавий меросимиз бўлмиш қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарнинг мазмуни ва моҳияти назарда тутилади.

Маълумки, Шарқда азал-азалдан касб-хунар улуғланган, устоз-шогирд одоби ва устознинг шогирдга бўлган меҳр-оқибати жуда юқори қўйилган. Миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналардан фойдаланишни ижтимоий-педагогик муаммо сифатида ўрганишдан аввал, унга оид айрим тушунча ва терминларни аниқлаштириб олиш лозим.

Буюк алломаларимиз доимо касбга эга бўлишни, илм олишни, саводли бўлиш кабиларни даъват этиб келганлар.

Салбий томони

Амалий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда миллий анъаналардан фойдаланиш жараёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олмаслик, меёрдан ортиқча вақт сарфлаш ўқувчиларни зериктиради ва толиқишига олиб келади. Натижада ўқувчиларнинг касб эгаллашга бўлган интилишларини сўнишига олиб келиши мумкин. Эҳтимоли кўпаяди.

Вазифалар ниҳоясига етгач, гуруҳ аъзолари навбатма-навбат тақдимот қиладилар. Гуруҳ вакилларининг қолганлари маълумотларни диққат билан тинглайдилар. Шундан сўнг ўқувчилар мавзуга ўз фикрларини билдиришлари ёки саволлар беришлари мумкин бўлади. Ҳар бир гуруҳда ҳимоя ниҳоясига етгач ўқитувчи мавзу бўйича ўз фикрларини билдиради, иштирокчиларга миннатдорчилик билдириб тренингга яқун ясайди.

ХУЛОСА

Мураккаб ўтиш даврининг вазифалари ўта масъулиятли бўлиб, бу даврда йўл қўйилган ҳар бир хато кўплаб янглишишларга, оқибатда катта қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққинёт билан боғлиқ бўлган муаммоларни ақл-идрок билан, оқибатларини тўла ва тўғри ҳисобга олиб, ҳал этмоқ керак.

Президентимиз Ислом Каримовнинг сабр-тоқат, донолик, узоқни кўра билишлик, адолат асосида олиб бораётган сиёсати ўзининг ажойиб самараларини бермоқда. Маънавиятга эътибор мавсумий вазифа эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир. Шу сабабли ҳам Ўзбекистонда маънавият муаммоларига эътибор кун сайин кучайиб бормоқда. Маънавият масалаларига оқилона, конкрет шароитни ҳисобга олиб ёндашиш комил инсонни тарбиялашнинг янги йўллари излашдир. Буюк мутафаккир Бедил айтганидек, меъмор дастлабки ғиштни тўғри қўймаса, бинонинг боши юлдузларга етса ҳам, у қийшиқ бўлиб қолаверади. Бу фикр биринчи навбатда таълим, тарбия ишларига тааллуқлидир, Маънавий камолот, таълим-тарбия ишларини яхшилаш ҳозирги кунда энг долзарб масала бўлиб турибди.

Маънавият тақдирнинг эҳсони, инсоннинг туғма хусусиятни эмас. Маънавият фақат инсонга хос фазилат бўлиб, у жамият тараққиёти жараёнида шаклланади. Ислом Каримов маънавиятнинг ижтимоий моҳияти устида алоҳида тўхтаб, у «инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сиигади», дейди.

Маънавиятнинг бепоёнлиги ва чексизлиги тарихий тараққиётнинг узлуксизлиги билан белгиланади. Бу тараққиёт босқичлари ўртасидаги боғланишлар ворислик, тобора юксаклик сари интилиш билан боғлиқ. Конкрет тарихий шароитда яшаган инсон бу узлуксиз, чексиз жараённинг барча қирраларини тўла қамраб ололмайди. Маънавият умуминсоний фазилат бўлгани сабабли ҳар бир шахс онгида маълум томонларининггина акс эттира олади. Маънавий камолот айрим шахсларни эмас, балки жамият

аъзоларини қамраб олгандагина катта ижтимоий аҳамият касб этади. Маънавий камолот маънавий эҳтиёжларнинг мазмуни ва даражаси билан боғлиқ.

Жамият тараққиётини тезлаштирувчи асосий куч — иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиёт заруриятлари билан белгиланган, маънавият билан муштараклашган эҳтиёждир. Эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай тараққиёт ва юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавиятлилик даражаси билан белгиланади. Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи ривожланишнинг охириги нуқтаси бўла олмаганидек, маънавий ривожланишнинг ҳам сўнгги чегараси бўлмайди. Маънавий камолотнинг ҳар бир босқичи конкрет даврларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланган. Маънавият борасидаги ҳар бир эҳтиёж рўёбга чиқиши ўз навбатида янги, янада кенгроқ эҳтиёжлар шаклланиши учун замин бўлади. Бинобарин, маънавиятнинг янги чўққиларига етиш эҳтиёжи шахс ва жамият камолотининг ҳал қилувчи омили сифатида инсон фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Маънавий камолотга эҳтиёж бирор чегарага бориб тугалланмайди ҳам.

Ҳозирги замонавий босқичда педагогик долзарб вазифаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари илмий таъминлаш киради. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама ривожланган шахс—фуқаронинг ташкил топишни кўзда тутди. У ушбу таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истъе- молчиси, буюртмачиси сифатида ва худди шундай ишлаб чиқарувчи сифатида иштирок этади.

Шахс таълим жараёнининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизматлар соҳаси фаолиятида билиш ва тажрибаларни беришда иштирок этади. Республикамизда шахсга

Ўзининг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун профессионал таълим дастурини танлаш ҳуқуқини берган.

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида мураккаб ҳажмли буюмларга замонавий услубларда бадиий ишлов бериш технологиясини ўргатишга оид машғулотларни ташкил этишнинг самарали йўллари таълим қилишда битирув малакавий ишини мундарижасини қуйидагича белгиладик:

I боби мамлакатимиз ҳудудида ёғоч ўймакорлик санъатининг тарихий ривожланиш асослари, деб номланиб I.1. Ўзбекистонда ёғоч ўймакорлик санъатининг тарихий ривожланиши, I.2. Ёғоч ўймакорлик санъати мактаблари ва уларнинг ўзаро фарқи, деб номланган.

II боби касб - ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш методикаси, деб номланиб II.1. Касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ташкил этиш, II.2. Касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш методикаси, деб номланган.

III боби касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришга инновацион ёндашув, деб номланиб III.1. Касб-ҳунар коллежлари ёғоч ўймакорлиги машғулотларини педагогик лойиҳалаш, III.2. Касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ўрни деб номланган. Битирув малакавий иши шунингдек хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида, касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш мавзусида изланиш олиб борар эканман, олимлар ва етук мутахассисларнинг касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантириш

хақидаги фикр ва мулоҳазалари, педагогик жараёнга нисбатан технологик ёндашув асосида ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида, «Ф С М У», «Педагогиада» тренинги, «3 X 4» каби методлардан фойдаланилиб машғулотларни ташкил қилишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари, самарадорлигини асослаб беришга ҳаракат қилинди.

Педагогик амалиёт давомида мавзунинг ишланганлик даражаси ўрганилди, дарс ўтиш жараёнида касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари асосланди.

Хулоса қилиб айтганда, келгусида касб-ҳунар коллежларининг ёғоч ўймакорлиги дарсларида ўқувчиларнинг бадиий фаолиятини ривожлантиришнинг самарали йўлларини ўргатиб боришимиз жоиз. Бу ўсиб келаётган ёш авлодга ҳунар сирларини ўргатиш билан бирга ўзгалар меҳнатини қадрлаш, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга садоқат, келажакка ишонч руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1997.
2. «Халқ бадий хунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоратadbирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Т., «Тошкент оқшоми» газ. 1997 йил, 2 апрел, 38 сон.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008, 176 б.
6. Каримов И.А. Демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19 – жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2011, 360 б.
7. Аҳмедов М.Б. Ёғоч ўймакорлиги. –Т.: Иқтисод–Молия, 2007, 108 б.
8. Булатов С.С. «Ўзбек халқ амалий безак санъати», -Т., «Меҳнат», 1991, 384 б.
9. Булатов С.С., Аҳмедов М.Б. Бадий таълимнинг фалсафий асослари (монография). –Т.: Фан ва технология, 2010, 168 б.
10. Булатов С.С., Йўлдошев Ғ. Ашёларга бадий ишлов бериш. –Т.: Шарқ, 2007, 80 б.
11. Булатов С.С., Йўлдошев Ғ. Ашёшунослик. –Т.: Шарқ, 2007, 88 б.
12. Зоҳидов П.Ш. «Меъмор олами» -Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1996, 240 б.
13. Зуннунов А., Хайруллаев М. ва б. Педагогика тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.
14. Йўлдошев И., Мирсагатова Н. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги – тараққиётнинг мустаҳкам гарови. –Т.: ТДПУ, 2012, 140 б.

15. Мирсагатова Н. Талаба-ёшларда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлигини такомиллаштиришда педагогик технологияларнинг ўрни. –Т.: ТДПУ, 2011, 128 б.
16. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
17. Ойдинов Н. Рассом ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. –Т.: Ўқитувчи, 1997, 215 б.
18. Педагогика (Мунавваров А.К. таҳрири остида). –Т.: Ўқитувчи, 1995.
19. Содиқов К.С. Ўқитувчилар физиологияси ва гигиенаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992.
20. Холматов Б.Қ. Наққошлик. –Т.: Иқтисод-Молия, 2007, 98 б.
21. Холматов Б.Қ. Композиция. –Т.: Иқтисод-Молия, 2007, 102 б.
22. Эргашев Қ. Ёшларнинг маънавий тарбияси. –Т.: Маънавият, 1999.
23. Ўралов А.С. ва бошқалар. Мўъжиза яратиш санъати. –Т.: Меҳнат, 1996, 112 б.
24. Қаюмов Н.Р., Булатов С.С. Ашёларга бадиий ишлов бериш. –Т.: Иқтисод-Молия, 2010, 248 б.
25. Қодиров Б.Ғ. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. –Т.: Меҳнат, 2001.
26. Фуломов К.М. Ашёларга бадиий ишлов бериш. –Т.: Билим, 2004, 88 б.
27. Фуломов К.М. Амалий санъат. –Т.: Иқтисод-Молия, 2007, 112 б.
28. Ҳасан Солий. Мутафаккирлар меҳнат тарбияси ҳақида. –Т.: Ўқитувчи, 1993.